



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР press



www.hamkorpess.uz



t.me/hamkorpess_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2022 йил 26 май 10 (413)-сон

hamkor.press@mail.ru



Наманганда 61-халқаро гуллар фестивали

ИҚТИСОДИЁТ

Ўзбекистон Марказий банки Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизматида кўплаб фуқаролардан тижорат банклари томонидан уларнинг кредит сўровлари тушунарсиз сабабга кўра рад этилаётгани бўйича келиб тушаётган мурожаатлар юзасидан жавоб берди.

"ҚОРА РЎЙХАТ"

Мурожаатчиларнинг изоҳлашича, банклар уларга "Марказий банкнинг қарз олувчилар бўйича "қора рўйхат"ига ("чёрный список") киргани ва бундай рўйхатга тушганларга кредит берилмаслигини" важ қилиб кўрсатишмоқда.

Марказий банкнинг қайд этишича, банк тизимида "қора рўйхат" тушунчаси, умуман, кредит ажратилиши тақиқланган фуқаролар бўйича тузилган "махсус рўйхат" ёки маълумотлар базаси мавжуд эмас.



3-Б.

ҲАММА ГАП АҲИЛЛИКДА

6-Б.



ДУНЁНИНГ ОЛАМШУМУЛ БЕШ ҲАЗИНАСИ

КУН ИСИДИ —
МУЗҚАЙМОҚ
САВДОСИ
ҚИЗИДИ



5-Б.



101

ЁШЛИ

8-Б.

МЕҲР МАЛИКАСИ



КУН ҲИКМАТИ:

Ҳаёт тасодифий ўзгаришлар ва узлуксиз ҳаракат демакдир. Ўзгаришларни қабул қил ва мослаш! Ҳаётини жараёнларга қаршилиқ қилсанг, бу яхшилиққа олиб келмайди. Энг яхши йўл ҳаётни табиий кечишига қўйиб бермоқдир.

Лао ЦЗИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 20 май кун
доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фой-
даланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали
қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирла-
ри тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

Фармондан келиб чиқиб, 2022-2026 йилларда 36 000 гектар майдонда қизилмия, заъфарон, каврак, лаванда, стевия, мойчечак, наъматак, равоч, маврак, дала-чой, тоғрайхон, бўймадарон, кийик ўти, ковул, қалампир ялпиз ва бошқа доривор ўсимликлар етиштириш бўйича плантациялар ташкил этилади. Плантацияларга сув чиқариш учун қўлланиладиган технологияларга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилади.

2025 йил 1 январга қадар доривор ўсимликларни етиштирувчи тадбиркорлик субъектларидан олинати-ган ер солиғи, фойда солиғи ва мол-мулк солиғи ставка-лари 50 фоизга камайтири-лади. Ўзбекистонда ишлаб

Қишлоқ хўжалигини дав-лат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 100 миллиард сўм маблағи ҳисобидан тижорат банка-

си) ставкада 6 ойлик имтиёз-ли давр билан 12 ой муддатга кредитлар ажратилади; доривор ўсимликлар-ни қайта ишловчи, сақловчи

ҳисобидан кластер ва коопе-рацияларнинг тижорат банк-ларидан олинган бошқа кре-дитларини сўндиришга йўл қўйилмайд.

Доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлашни молия-лаштириш учун Жаҳон бан-кининг бир қанча лойиҳаси доирасида 20 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни тижорат банк-ларига ажратиб қорала-ри кўрилади. Бунда ушбу маблағлар миллий валюта-да йиллик 14 фоиз ставкада тижорат банкларига ресур-сифатида жойлаштирила-ди. Тижорат банклари 5 йил-лик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга йиллик 17 фоиз ставкада (шундан 3 фоизи банк маржаси) тижорат кре-дити ажратади.

Доривор ўсимликларнинг аҳоли томонидан ноқонуний йиғиб олинishi ва талон-тарож қилинишига йўл қўйилмайд.

Н.ЙЎЛДОШЕВА.

ДОРИВОР ГИЁҲЛАР ЕТИШТИРИШ ЯНАДА КЎПАЯДИ

чиқарилмайдиган ускуналар эса 2025 йилгача божхона божидан озод қилинади.

Доривор ўсимликлар хомашёси ҳамда ундан тайёрланган биологик мод-далар экспорти учун сарф-ланган харажатларнинг 50 фоизгача қисми Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади.

Шу йилнинг 1 сентябри-дан бошлаб дорихона сотув зали пештахталарининг камида 10 фоизига дори-вор ўсимликлар хомашёси-дан тайёрланган БФҚлар ва дори воситалари жойлашти-рилади.



ри орқали:

фермер, деҳқон хўжалик-лари ва бошқа махсулот етиштирувчиларга — дори-вор ўсимликларни етишти-риш учун йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржа-

ва экспорт қилувчиларга — айланма маблағларни тўл-дириш учун йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк мар-жаси) ставкада 12 ойлик "револьвер" кредитлар ажра-тилади. Бунда ушбу кредит

ШАХМАТ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА КИРИТИЛДИ

Грузия Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шахмат мактабларнинг бошланғич синфларида ўқитилиши мажбурий дарслар қаторига киритил-ди.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфидак болаларга шахмат ўйнаш ўргатилади.

Таълим вазирлиги шахмат болаларнинг таҳлилий, мантикий, танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириб, амалий вазифаларни бажаришида қўл келади, деган тўхтамга келган.



ИҚЛИМДАН
ДАРАКЛАР

Копенгаген университети
олимлари сайёра миқёсида
ўртача ҳаво ҳароратининг
юқори частотаси кўта-
рилиб бораётган барча
қитъалардаги жами 7 мам-
лакат аҳолиси уйқусидаги
ўзгаришларни таҳлил қилди.
Тадиққот даврида 47 мингга
яқин кишининг ҳаётий фаол-
лиги кузатиб борилди.



ГЛОБАЛ ИСИШ УЙҚУГА ПУТУР ЕТКАЗАДИ

Синовларда қайд этилишича, кечалари ҳароратнинг +30 дара-жадан юқори бўлиши кишиларда уйку соатларини 14 дақиқача камайтирди. Ўртача ҳисобда сутка давомида 7 соатдан кам ҳордиқ олиш ҳам ҳарорат юқори кузатилган даврларга тўғри кел-ди. Тадиққотдаги аксар давлат-лар кондиционер билан таъмин-ланиш имкони мавжуд бўлмаган давлатлар қаторига кириди.

2100 йилга бориб, глобал исишнинг юқорилаб кетиши инсон уйқусини йил давомида 50-58 соатгача камайтишига олиб келади.

21 майдан бошлаб афғонистонлик аёл телебошловчиларга
"Толибон" ҳукумати очиқ юз билан эфирга чиқишни тақиқлаб
қўйди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕДА ЮЗИНИ ЁПИШ МАЖБУРИЯТИ ҚЎЙИЛДИ

Бир кунлик қаршиликдан сўнг афғонистонлик аёл телебошлов-чилар мамлакатдаги ҳукмрон "Толибон" ҳаракатининг фармони-га бўйсуниб, эфир вақтида юзла-рини ёпишни бошлади. Бир кун аввал уларнинг кўпи қаршилик кўрсатиб, юзларини ёпмаганди.

Эзгуликни тарғиб қилиш ва иллатларнинг олдини олиш вазир-лиги аввалроқ 21 майдан бошлаб барча аёл бошловчилар экран-га фақат юзи ёпиқ ҳолда чиқишни буюрган эди. Шу тариқа, "Толи-бон" ҳаракатининг олий раҳбари Ҳайбатуллоҳ Охундзоданинг фар-мони кучга кирди. Унга кўра, аёл-



лар, айниқса, давлат муассаса-ларида ишловчи хотин-қизлар жамоат жойларида танани бошдан-оёқ беркитувчи паран-жи кийиши шарт. Қоидаларга риоя қилмаса, ишдан бўшатиш билан таҳдид қилинади.

2024 йилги Олимпиада ўйинлари тугагандан сўнг, Париж ҳаво
ифлосланишини ва шовқинни камайтириш мақсадида ўз атро-
фидаги икки қатор йўлни мунтазам транспорт ҳаракати учун
ёпишни режалаштирмоқда.



ТИРБАНДЛИК ВА ҲАВО ИФЛОСЛАНИШИГА ҚАРШИ

Режа натижасида автомаги-стралда тирбандликлар камайд.

Таксилар, автобуслар, автоуловлар ва фавкулдда вазиятларда кириш учун ҳар бир йўналишга битта йўлак ажратилади. Шу тариқа ҳар бир йўналишда 3 та йўлак қисқаради.

Лойиҳага кўра, хусусий транс-

порт воситаларига камроқ йўл майдони ажратилади ва бу жойга дарахтлар экилади. Шаҳар, шунинг-дек, кўкаламзорлаштириш ёки велосипед йўлакларини учун кўпроқ жой яратиш учун 2030 йилгача янги чекланган йўللари тўлиқ ёпиш ғоясини илгари сурди.

БОЛАЛАР ОВҚАТИ ТАНҚИСЛИГИ ТУФАЙЛИ

Нью-Йоркда болалар овқати
(суттали аралашмаси) етишмас-
лиги туфайли, фавкулдда
ҳолат режими жорий этилди.

Америка ҳукумати маълумот-ларига кўра, мамлакат бўйлаб йирик чакана савдогарларнинг 40 фоиздан ортиғида сутли ара-лашмалар захиралари танқислиги кузатишмоқда. Танқислик Abbott компанияси ишлаб чиқариш лини-яси фаолияти тўхтатилиши натижа-сида юзага келган. Бу АҚШдаги энг йирик болалар овқатлари етказиб берувчилардан бири ҳисобланади.

Компания махсулотларида касаллик қўзғатувчи бактериялар аниқланган, улар икки боланинг ўлимига сабаб бўлган. Компания юзага келган вазиятдан чиқиш йў-ларини қидираётганини маълум қилди.



Йўл чорраҳаларини пиёдалар учун қулайроқ таъмирлаш иш-лари аллақачон олиб борилмоқда. Олимпиада ўйинлари эса йўллари ёпиш учун ўзига хос имкониятни тақдим этди.



"GLOBAL MONEY WEEK" билан молиявий билимларни эгаллаймиз

Танлов шартларига кўра, иштирокчилар дарс-ни ноанъанавий усулда ташкил этишлари, мавзунини ўз предметларига интеграция қилиши ва белгиланган вақт мобайнида ўқувчиларга кўпроқ билим ва кўникма беришлари зарур эди. Дарсларни сифатли ташкил этилиши учун "Hamkorbank"нинг

малакали мутахассислари томонидан семинар-тренинглари ўтказилди. Тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда "Hamkorbank" АТБ биргаликда ташкил этган "Молиявий саводхонлик бўйича энг яхши дарс" танловида 15 та мактабнинг ўқитувчилари иштирок

эти. Пулларни банкларда сақлашнинг ўзига хос афзалликларини муваффақият билан ёритиб берган устозлар ғолиблар қаторидан жой олди. Ғолиблар ва фаол иштирокчиларга банкнинг махсус эсдалик совғалари тақдим этилди.

Р. МУХТОРОВ.

Олимлар "Аполлон-11" космик кемаси астронавтилари томонидан Ойдан келтирилган тупроқда биринчи марта ўсимлик етиштирилди. Тупроқни Нил Армстронг, Базз Олдрин ҳамда "Аполлон-11"нинг бошқа астронавтилари олиб келган эди.

ОЙ ТУПРОҒИДА ИЛК БОР ЎСИМЛИК ЕТИШТИРИЛДИ

Флорида университети қошидаги Озқовқат ва қишлоқ хўжалиги фанлари институти олимлари Ой тупроғига ёввойи гул уруғини экишган эди.. Барча уруғлар униб чиққан.

Таърибанинг биринчи ҳафтасидан сўнг, Ой тупроғининг кўполилиги ёввойи ўсимликларга кучли таъсир қилганидан улар Ер тупроғига экилган кўчатларга қараганда секинроқ ўсганлиги билдириляпти. Табиий Ой тупроғига экилган ўсимликларнинг аксарияти паст бўйли бўлиб етишган.



ИЛМ-ФАН

Натижалар яқинда "Communications Biology" журналида чоп этилди.

Тупроқ Ойдаги зарарли космик радиация ва қуёш шамоли таъсирида қанчалик узоқ вақт қолган бўлса, у ўсимликлар учун шунчалик унумсиз бўлган.

Тадқиқотда иштирок этмаган Висконсин-Медисон университети биологи Саймон Гилрой шундай деди: "Бу олдинга ташланган катта қадам. Кейинги қадам — Ой юзасида ўсимликларни етиштириш бўлади".

Яқинда очик сайёр суд мажлисида "Никоҳдан ажралиш ҳақида"ги даъво аризаси юзасидан иккита фуқаролик ишлари кўриб чиқилди.

Улардан бирида, яъни даъвогар К.Юсупованинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жавобгар О.Ботировга нисбатан ажралиш бўйича аризаси муҳокама қилинди. Бу шахслар 2005 йилда қонуний оила қурган. Ҳозирда уч нафар фарзанди бор. Катта фарзанди 15 ёшда.

Оилавий келишмовчилик сабаб эр-хотин 2021 йил ноябрь ойидан буён бирга яшамайди. Бугунги кунга келиб аёл ажралишни қонунийлаштирмоқчи. Шу боис даъво аризасини у берган. Мазкур масалани кўриб чиқиш жараёнида шу нарсаси маълум бўлдики, эр-хотиннинг аразлаб бошқа-бошқа яшашига жиддий сабаб йўқ. Келтирилган сабабларнинг ҳаммаси оилада, аёл билан эркекнинг ўртасида бўлиб турадиган шунчаки келиш-

ажрашиб кетса, уч нафар фарзанднинг тақдирини ва келажагига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ташвишга тушмаяпти. Ваҳоланки, жамиятнинг мустақамлиги

Иккинчи масалада ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Фақат бунда даъвогар эр бўлиб, яъни фуқаро Ш.Маҳкаммов аёли У.Сафаровага нисбатан ариза

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

дан уч ой ўтар-ўтмас, судга қонуний ажралиш учун ариза келиб тушяпти. Узининг бир умрлик тақдирини устида шунчалик тез ва енгил-елпи қарор чиқарадиган одамларнинг борлигига ачинасан киши.

Суд бу ажрим аризасини ҳам рад қилди. Қачонки, ажралиш учун етарли асос бўлса, кейин даъво қаноатлантирилиши айтилди. Унгача суд оилаларнинг пароканда бўлиб, фарзандларнинг тирик етим бўлиб қолишига йўл қўймайди. Ушбу ҳолатлардан арзимаган иқир-чиқирлар туфайли оиласини барбод қиладиган шахслар ўзига керакли хулоса чиқаради, деган умиддамиз.

Рустамжон СУЛТОНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Қўргонтепа туманлараро суди судьяси.

ЖИДДИЙ САБАБСИЗ АЖРАШАМАН ДЕМАНГ



тери ҳам роль ўйнаган. Уни ҳатто тўнғич қизининг бўй етиб қолгани ҳам ўйлантирмайпти. Агар оила қонунан

мана шу оилаларнинг бутунлиги, фарзандларнинг бахтли ва хотиржам эканлиги билан белгиланади. Суд бу ишни батафсил ўрганиб чиқиб, ажрим учун жиддий сабаб йўқ деб ҳисоблади ва даъвогарнинг аризасини рад қилди.

билан чиққан. Тўрт йиллик турмушдаги бу оилада икки нафар гўдак қиз улғаймоқда. Отанинг эса энг ширин даврда бўлган жажжи фарзандлари ҳам кўзига кўринмай, оиласидан воз кечмоқчи. Аслида бу ажрим учун ҳам асосли ва жиддий шунчаки хотини билан яшашини хоҳламайди, аёл эса оилани сақлаб қолмоқчи. Энг қизғини, эр-хотин шу йилнинг февраль ойида аразлашиб қолган бўлса, ора-



Юртимизда бу йил гилос экспорти анча эрта йўлга қўйилди. Яъни апрель ойи охири — май ойи бошларида ушбу меванинг "Баҳор" номли нави пишиб етилди ва шу вақтдан янги ҳосил ташқи бозорларга жўнатила бошланди.

Айни пайтда Ўзбекистон жаҳон бозорида гилоснинг энг йирик экспортёрларидан бири ҳисобланиб, ўтган йили ушбу маҳсулот экспорти бўйича жаҳонда 5-ўринни эгаллади. 2021 йилнинг қиш фасли ва эрта баҳорда кузатилган об-ҳаво аномалиялари ҳосилга яхшигина зарар етказганига қарамай, гилос 2021 йилда мамлакатимиз экспортини кескин оширган ягона данакли мева маҳсулотига айланди. Мазкур йилда 18 та давлатга қиймати 84,8 млн. долларга тенг бўлган 60,8 минг тонна гилос экспорт қилинди. Шундан 24,7 минг тоннаси Россияга юборилди. Бу рақамлар 2020 йилга нисбатан икки баробар кўп дегани.


Хўш, бу йил ушбу жараён қандай кўринишда бўлади? Ҳали айрим жойларда ҳосил тўлиқ пишиб етилмаган бўлсада, экспорт ишлари жадал ривожланмоқда. Биргина Андижон вилоятининг ўзига шу кунга қадар экспорт ҳажми 200 тоннадан ошди. Гилос аҳолидан ўртача 20-25 минг сўмга сотиб олинмоқда. Маҳсулот сифати ва қадоқлаш турига қараб экспортга жўнатиш нархи 50-70 000 сўм атрофида бўлиб турибди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ).

УРГАНЧДА ШУНДАЙ МУАССАСА БОР

Хоразм вилоятида бугун "Hamkorbank" АТБнинг учта филиали мавжуд. Уларнинг тўнғичи —

Урганч филиалини том маънода вилоят иқтисодиётининг муҳим таянчларидан бири деб аташ мумкин. Чунки сифатли ва замонавий хизматлари билан мижозларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган мазкур банк вилоятдаги молия муассасалари орасида ўз ўрнига эга. Ушбу саҳифа айти шу жамоанинг бугунги ҳаётига бағишланди.



ҲАММА ГАП АҲИЛЛИКДА

Умаржон ЖУМАШОВ,
филиал раҳбари

2005 йилда "Султон Марам" номи билан ўз фаолиятини бошлаган филиалимиз йиллар давомида замонавий банк муассасаси сифатида шаклланди. 2009 йилда Урганч номи-нинг берилиши зиммамиздаги масъулиятни янада оширди.

Кейинги йилларда ҳар бир соҳада кузатилаётган ривожланиш ва ўзгаришлар биз банк ходимларидан ҳам катта масъулият талаб этмоқда. Энди

"Устоз-шогирд" мактабида шаклланади. Роза Сапарова, Нуриддин Оллошқуров, Дилноза Файзуллаева ва Эргаш Матякубовлар улардан ўз маслаҳатларини аямайдилар. Шу сабаб ходимлар бирон-бир муаммага дуч келса, уларнинг ёнига шошади. Яна бир гап: ой якунида рағбатлантиришга келганда ўйланиб қоламиз. Ҳар бир ходимимиз бунга муносиб. Бу борада ечимни омма-

келиб чиқиб, ҳудудларда 6 та банк хизматлари маркази ташкил этилган. Мижозлар кўпроқ ана шу жойларга мурожаат қилади. Шунинг учун БХО-ларга малакали ходимлар жалб этилган.

Ҳозирда 1 та ВИП, 222 та йирик, 615 та ўрта ва 2060 та оммавий мижозга эгамиз. Уларнинг ҳар бири биз учун қадрли. Натижа ёмон эмас. Мижозлар сони ошиб, белгиланган режалар ортиғи билан бажарилмоқда. Амалдаги йилнинг биринчи чорак якуни бўйича филиалимиз билан бир қаторда 3 та банк хизматлари маркази ғолиблар қаторидан ўрин олгани ҳам буни кўрсатиб турибди.

Доим изланишдамиз. Эришилган ютуқлар биз учун чегара эмас.

ФИЛИАЛ РАҲБАРИ ҲАҚИДА:

* 1980 йил Урганч шаҳрида тиббиётчилар оиласида туғилган.

* Урганч давлат университети-ни иқтисодиёт ва иқтисод йўналиши бўйича тамомлаган.

* Иш фаолиятини Марказий банк Хоразм вилоят бошқармасида бошлаган.

* 2004 йилдан "Hamkorbank" АТБ тизимида фаолият олиб бормоқда. 2021 йилдан Урганч филиали бошқарувчиси.

* Ҳаётдаги шиори: устозларининг изидан бориш.

* Энг қадрли инсонлари: ота-онаси, фарзандлари.

* Уйдаси муаммони ишхонага, ишхонадагини уйга олиб бормайди.

* Ваъдасида турмайдиганларни сира ёқтирмайди.

* Пулга муносабати яхши.




аввалгидек ишлаб бўлмайди. Соҳада ислохотларни амалга ошириш, хизмат сифатини яхшилаш ва мижозлар билан ишлашда ўзига хос йўл тутиш лозим. Агар озгина эътиборсизлик қилинса, молия бозорида четга чиқиб қолиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамоамиз билан доим изланишда-миз. Тизимдаги янгиланган ўз вақтида амалиётга жорий этиш бош мақсадимиз. Тўғри, бу борада "Hamkorbank"да бошқа банк-ларга нисбатан ибратли ишлар олиб борилмоқда. Шунга қарамай худуднинг талабларидан келиб чиқиб, янада масъулият билан иш юритиш лозим.

Ҳар қандай субъектнинг ютуғини жамоадаги муҳит ва малакали кадрлар белгилайди. Ходимлар ўртасида аҳиллик зарур. Уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва мотивация бериб бориш янги марраларга бошлайди. 82 нафар ходим билан ишлашда биз шундай йўл тутамиз. Қайси вазифага ким муносиб, ким нимага қодир, кимни қандай муаммо қийнамоқда... Барчаси доим эътиборда. Тажрибали ходимлар билан бу борада бамаслаҳат иш олиб бора-миз.

Сафимизга қўшилган ёшлар



ГАЗЕТАХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Филиалда "Hamkor press" газетасининг доимий ўқувчилари кўпчиликни ташкил этади. Шу боис тахририят томонидан ташкил этилган "Газета ва газетхон" лойиҳаси доирасидаги навбатдаги учрашув айти шу филиалда бўлиб ўтди.

Самимий мулоқот чоғида тахририят вакиллари филиал ходимларининг "Hamkor press" ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишди. Банк ходимлари газетада кўпроқ ўқимишли, мулоҳазали, яъни ишдан ташқари мавзулардаги қизиқарли мақолалар берилиши таклифини билдирди.

Учрашув якунида тахририят номидан филиал кутубхонасига эсдалик учун китоблар жамлан-маси тортиқ қилинди.



25-АВТОМОБИЛЬ ЭГАСИНИ ТОПДИ

Шовот банк хизматлари офиси аҳолига намунали хизмат кўрсатишда доим ўрнак. Эрталабдан доим мижозлар билан гавжум. Беш нафар ходим уларнинг энг яқин молиявий кўмакчисига айланган.

Ҳамма ерда бўлгани каби, Шовотда ҳам автокредит ва микроқарз олишга бўлган талаб юқори. Куни кеча марказ томонидан тақдим этилаётган автокредит эвазига йигирма бешинчи автомашина ўз эгасини топди.

Тумандаги Арбоблар маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси, 80 ёшли отахон Баҳодир Эрбоев шундай дейди:

— Жуда кўп автомашина сотиб олганман. Яқинда яна банк кўмаги билан "Nexia 3" автоуло-ви соҳибига айландим. Банк ходимларидан чек-сиз миннатдорман. Сира муаммо қилмайдилар. Ишингни битирмагунча парвона бўладилар.

Саҳифани Бекзод МУТАЛЛИБОВ тайёрлади.

КУН ИСИДИ — МУЗҚАЙМОҚ САВДОСИ ҚИЗИДИ

Музқаймоққа тобингиз қалай? Мазали бўлса, йўқ демайсиз, тўғрими? Тотли музқаймоқни Қарши минтақавий филиалининг миждо ҳисобланган "Davronbek Sayyox-S Servis" МЧЖ ходимлари яхши билади. Негаки улар оғизга ёқувчи маҳсулотни танлаб топиб, харидорга етказишади.

— Музқаймоқларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланамиз. Маҳсулотларимиз тури 200 дан ошади. Ҳаммаси харидоргир, чунки ҳар бирини танлаб, саралаб оламиз. Сифатсизларини савдога яқинлаштирмаймиз. Бир марта сифат бузилса, миждо ва ишонч йўқолади. Қолаверса, шаҳарда арзон, сифати паст музқаймоқларни сотиб олишмайди. Харидорга тотли маҳсулот керак. Музқаймоқларни заводдан улгуржи олиб келиб, Қарши шаҳридаги турли савдо дўконларида тарқатамиз, — дейди корхона асосчиси Бахтиёр Давронов. — Ҳозирда Тошкентдаги 4 та, Самарқанддаги 3 та энг яхши заводлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Фирмамизда 8 нафар ишчи фаолият кўрсатмоқда. Деярли барчаси бу ширинликни хуш кўради. Ўзим ҳам қаймоқли музқаймоқларни тез-тез истеъмол қилиб тураман.

Қарши республикамиздаги ҳаво ҳарорати энг юқори шаҳарлардан бири бўлгани учун бу ерда яхна егуликларга талаб катта. Айни пайтда кунига 15 миллион сўмлик савдо амалга оширяпмиз. Корхонамиз шу йилнинг бошидан "Hamkorbank" миждо бўлди. Банк бизга яқиндан ёрдам берса, фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамыз.

Н.ТЎХТАМАТОВА.

ФАОЛ ХОДИМ

Сурхондарёлик Тўлқин Пардаев мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ қайси касб эгаси бўлишини режалаштириб қўйган эди. Аниқ фанларга меҳр қўйгани сабаб Термиз давлат университетининг молия йўналишига ўқишга кирди. Амалиётни "Hamkorbank"нинг Термиз филиалида олиб борган талабда янги орзу пайдо бўлди. У мамлакатимиз банклари орасида алоҳида нуфуз ва салоҳиятга эга бўлган мазкур молия муассасида ишлашни мақсад қилди. Зотан, бу ердаги иш жараёни, йўлга қўйилган тартиб-интизом, соғлом муҳит, жамоанинг меҳнат фаолияти унда катта таассурот қолдирган эди. Миждоларга кўрсатилаётган хизмат, ходимларнинг хушмуомалалиги, банк имиджини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ёш иқтисодчига ўзига хос мотивация тақдим этганди.

ЭНГ КАТТА ЮТУҚ — МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ

У табиидаги билимга интилиш, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш, шунингдек, ўзига нисбатан ўта талабчанлиги туфайли "Hamkorbank" томонидан ўтказилган танловда муваффақият қозонди. Мана, 11 йилдирки сеvimли жамоасида фаоллар қаторида изланиб, ташаббус билан меҳнат қилмоқда. Айни дамда Тўлқин Пардаев Термиз филиали чакана бизнес бўлими универсал менежер лавозимида иш юритапти. Миждоларга қандай хизмат ва маҳсулотларни тақдим этиш кераклигини яхши билади. Ушбу маҳсулотларнинг афзалликлари хусусида батафсил маълумот беришдан эринмайди.

Доим касбий маҳоратини ошириб бораётган ёш мутахассис ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган. Ўз касбига виждонан, садоқат билан ёндашуви, барчага бирдек хушмуомалада бўлиши натижа берди. Ўз ишини пухта эгалаган менежер бир кунда 150 га яқин ҳамюртимиз билан мулоқотда бўлади. Сўхбатлашиш жараёни унга қийинчилик туғдирмайди. Қайтанга

мана шундай жараёнларда у янада куч-қувватга тўлади.

Қаҳрамонимиз Россияда меҳнат қилаётганларнинг пул ўтказмаларини тез, хавфсиз ва қулай тарзда ўтказилишини таъминлаш борасида эътирофга арзийдиган натижага қўлга киритди. Жорий йилнинг апрель ойида жами 804 нафар миждонинг "Сбербанк онлайн" иловасини юклаб олишига эришди. Асосийси, миждоларда унга бўлган ишонч ортмоқда.

Тўлқин Пардаев ишдан сўнг сеvimли оиласи бағрига, бир-бирдан ширин 3 нафар фарзандининг қошига шошилади. Оила бошчилигининг кириб келиши билан хонадонда ўзгача фойда, қувонч ҳукмронлик қилади. Менежернинг ҳаёти давомида эришган ютуқлари билан яқиндан танишар эканмиз, инсон бахтини ўз қўллари билан яратишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Шижоат ва ғайратга тўла қаҳрамонимиз учун ҳар бир янги кун янги имконият, янги ташаббус дегани.


Наргиза ЭШОНОВА.

Ишдан ташқари суҳбат

Жасурбек МАҲМУДОВ ҳозирда "Hamkorbank" АТБ Чилонзор филиали чакана бизнес бўлимини бошқаряпти.

Тошкент давлат иқтисодий университетини битирган йили (2012) даноқ "Ҳамкорбанк" АТБ нинг Шаҳрихон филиалида иш бошлаган ёш мутахассис иқтисодори ва билими билан ҳамкасблари эътиборига тушди. Орадан уч йил ўтгач, банкнинг Чилонзор филиалида турли вазифаларда самарали фаолият юритди. Мана тўрт ойдики у мазкур филиалнинг чакана бизнес бўлими бошлиғи сифатида иш олиб бормоқда.

Қатъий иш режасига эга малакали мутахассиснинг вақти тифиз, ҳар дақиқаси ҳисоб-китобли бўлишига қарамай, биз билан самимий сўхбатлашишга имкон топди.



Лидерлар юртидан пойтахтга

— Иқтисодиёт ва умуман бизнесни бошқариш, банк соҳасига қизиқиш сизда қачон пайдо бўлган?

— Иқтисодий йўналиш ва бизнесга қизиқишим мактаб вақтидан бошланган. Тўғилиб ўсган жойим — Шаҳрихондаги хунармандчилик, савдо-сотик ва тадбиркорлик мамлакатимизда алоҳида эътироф этилади. Бу соҳада фаолият олиб бораётганлар билан кўп мулоқотда бўлганман ва бу ҳол иқтисодиёт ва бизнесга бўлган қизиқишимни оширган. Касбимни танлашимда раҳматли отам — Қудратилло Қичикбеков (охиратлари обод бўлсин)нинг хизматлари беқиёс. Ўзлари ИИБ тизимида иш олиб борсада, банк соҳасига қизиқишлари катта эди. Келгусида унинг янада ривожланишини тез-тез таъкидлаб, менга туртки берарди. Падари бузрукворимнинг: "Эрталаб ўрнингдан турасан, оила даврасида нонушта қилиб, костюм-шим, галстукда ишга борасан. Банкка муурожаат қилган фуқароларнинг эътиёжи ва юмушини битириб, хурсанд қилиб дуосини оласан. Ишингни тугатиб, ўз вақтида яна оила даврасига қайтасан. Оиланг, яқинларинг ва дўстларинг билан бирга бўлишга вақтинг топилади", деган гаплари кечагидай ёдимда.

— Билишимизча, рус тилида яхши сўхбатлашар экансиз. Инглиз тилида эса.. бу тилда фаол мулоқотда бўлиш қийинми?

— Тошкент шаҳрида кун давомида русийзабон миждоларнинг банкимизга ташрифи кўп бўлади. Уларга асосан рус тилида маълумот етказишга ва сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламан. Инглиз тилида доимий ва амалий мулоқот қилиб турилмаса, ёддан тез кўтарилиши табиий. Бу тилни мукамал биламан, дея олмайман-у, аммо ҳар ҳолда хорижий давлат фуқароларига фикримни тушунтира оламан.

— Ҳадемай 34 ёшни қаршлайсиз. Иш борасидаги стаж

ҳам чакимас — ўн йил. Иқтисодиёт тили билан айтганда, орзуларнинг неча фоизи амалга ошди?

— Инсон яралибдики, орзу-умид билан яшайди. Орзулар кетидан орзулар келаверида. Айтадилар-ку "Мақсадсиз одам - қанотсиз қуш" деб. Бугунги кун назари билан қаралса, "орзулар режаси" 50 фоиз десам муболага бўлмайди.

— Мактабларда сўнги қўнғироқ чалинди. Битириш айёмингиз қандай ўтган?

— Мактаб, болалик даври барибир ажойиб, такрорланмас. Эслаган сари завқинг келади, яйрайсан. Хуллас, 1-синфдаги илк сабоғим Аска шаҳридаги 8-мактабдан бошланган. Сўнг 24-мактаб-интернатда ўқидим. Шаҳрихон шаҳридаги 4-мактабни битирувчи сифатида тамомладим. Учта мактабда ўқиганлигим учун синфдошларим кўп. Битирув кечасида барчаси билан хайрлашувда қатнашдим. Ҳаммаси ширин хотира бўлиб қолди. Синфдошларим билан телефон орқали тез-тез сўхбатлашиб турамыз. Тошкентга келишса, ўзим кутиб оламан, Андижонга борсам, улар қарши олишади. Тўй-ҳашамда биргамиз.

— Давримизнинг, жамиятимизнинг қайси муаммолари сизни ўйлантиради?

— Бу ҳақда ҳозирча бир нима дея олмайман. Менимча, ҳар ким ўз ишини сидқидилдан бажарса, муаммага ўрин қолмайди. Ҳаммасига вақт малҳам.

— Туғилган юртингиз — Шаҳрихонни бир оғиз сўз билан таърифлай оласизми?

— Меҳнатсеварлар ва лидерлар юрти!

— Э, қойил! Биз ҳам сизга ҳамиша шундай бўлиб қолишингизни тилаб қоламиз.

Сўхбатдош: Ҳалимжон
ТОҶИРОВ

КИМ КИМДАН АРАЗЛАДИ?

Йигитликда уйда бирор нарса ёқмаса, аразлаб "бор-ей", деб қўл силтаб, кўчага чиқиб кетаверардим. Олтмишдан ўтгач, кўча мендан "аразлаб", "қўл силтаб" қўйгач, уйда ўтирибман.

Энди уйдаги ҳамма нарса кўзимга чиройли кўриняпти...

**МЕН БИЛГАН
ҲАҚИҚАТЛАР****МЕРОСХҲҮР УЛҒАЙЯПТИ...**

Бобом қуйидаги нақлни доим такрорлаб юрарди:

Мен ҳам эдим сенингдек,

Сен ҳам бўларсан менингдек...

Нега бундай деяверасиз, деб сўрасам, "ёшимга етганда биласан", деганди.

...Бугун шу саволни неварамдан эшитдим. Мен эса 55 йил олдин бобом айтган сўзларни такрорлай олдим, холос.

Демак, боболар нақлига меросхўр улғайяпти...

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

**ЁРУҒЛИККА
ИНТИЛГАН
ЗУЛМАТ...**

Подшоҳдан сўрадилар:

— Энг катта орзуингиз нима, подшоҳи олам?

— Қани эди, бир кеча бўлса-да, салтанат муаммоларини ўйламасдан ором олсам...

Фозилдан сўрадилар:

— Ҳаётдан нима топдингиз?

— Ҳикмат ва ибрат...

— Қандай хулосага келдингиз?

— Ҳикматсиз ибрат бўлмас, ибратсиз ҳикмат...

Зулматдан сўради:

— Сен нима соғиниб яшайсан?

— Ёруғлики.

— Нимадан кўрқасан?

— Қоронғуликдан...

Кўрқокдан сўради:

— Айт-чи, сен нега кўрқасан?

— Агар ўзим ҳам билганимда эди...

Етимдан сўради:

— Кимларнинг қадрига етиб ва кимларнинг меҳрига тўйиб бўлмайди?

— Ота қадрига, она меҳрига...

Бойликдан сўради:

— Сенга нима етишмайди?

— Кувонч ва хотиржамлик...

Ватандан сўрадилар:

— Сени нима ўйлантиради?

— Ота-боболари яшаб ўтган, ҳозирда ўзлари истикомат қилаётган ва келгусида авлодлари учун ҳам мўътабар маскан бўлмиш ўз юртига нисбатан одамларнинг бефарқ ва лоқайд бўлишлари...

Ватангадодан сўрадилар:

— Ушалиши қийин бўлган энг сўнг орзуингиз нима?

— Қанийди, Ватан йўлида жон фидо қилсам, кошкийди, ўз юртимда вафот этсам, ҳеч бўлмаганда, вафот этганимда, қабримга юртим тупроғидан бир чимдим ташланса...

Дондан сўрадилар:

— Ҳаётингни қандай ўтказдинг?

— Таълим олиш, одоб ўрганиш, ҳикмат йиғиш билан.

Нодондан сўрадилар:

— Умринг давомида нима иш билан шуғулландинг?

— Ҳеч ким изламаган ва тополмаган (фойдасиз!) нарсаларни ахтариш билан...

Мухтарам зотдан сўради:

— Сиз бундай юксак мартабага қандай эришдингиз?

— Тўрт нарса орқали:

* элимга ва юртимга сидқидилдан хизмат қилдим;

* ишим ва сўзимда ёлгон ҳамда хиёнат аралашмади;

* туз тотган жойим ва ҳурмат кўрган кишиларимга янада кўпроқ меҳр кўргаздим;

* луқмам ва лафзим ҳалол бўлди.

"Фарзанднома" китобидан.

Дунёнинг оламшумул хазиналари археологлар гуруҳи ҳамда оддий одамлар томонидан қутилмаганда топиб олингандаги ўтмишдаги ерости бойликлари ҳисобланади. Улар ўтмишнинг шу чоққача маълум бўлмаган сирларидан воқиф этади...

ДУНЁНИНГ ОЛАМШУМУЛ БЕШ ХАЗИНАСИ

2011 йил июнь. Ҳиндистон жанубидаги Керал вилоятида жойлашган Шри Падманабхасварни ибодатхонасининг олтига ерости кошонасидан олтин ва қимматбаҳо тошлардан иборат хазина топилди. Унинг қиймати бир неча миллиард долларни ташкил этади.

МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК БОЙЛИК

Мазкур топилма 500 миллиард रुपияга баҳоланди (7 миллиард фунт стерлинг атрофида). Бу ибодатхонани Ҳиндистондаги энг бой масканга айлантирди.

Топилмалар орасида вазни 2,5 килограмм бўлган олтин маржонлар, тилла камон, олтин тасма, билангузлар, бежирим қумушлар, безаклар кўринишидаги бир

тонна олтин, қоп-қоп жавоҳир, олмос ва зумрад қопланган минглар заргарлик осори атиқалари бор эди. Шунингдек, Ост-Ҳинд компаниясининг 16,8 кг. олтин тангалари, 18 та Наполеон тангалари, ипак боғламга ўралган қимматбаҳо тошлар ҳамда 1772 йил муҳри босилган марваридлар чиқди.

ХОНУМАНДХОК ХОНАҚОҲИДА

2011 йил 28 июнь. Непалнинг Катманду музофотидаги узок асрлик Хонумандхок саройи биносини таъмирлаётган ишчилар олтин ва қумуш зеб-зийнатлари бўлган улкан махфий хонақоҳга дуч келишди.

Эски сарой мажмуининг махфий жойида яширилган бойликларга Малла ҳукмронлиги даври санаси қайд этилган эди. Мазкур қироллик Притхви Нараян Шохнинг Непални бирлаштиришдан икки ярим аср муқаддам мавжуд бўлган.

Хазина уч қути қимматбаҳо анжомлар, жумладан, уч килограмм олтин ва саксон килограмм қумуш тақинчоқлардан иборат эди. Мазкур бойликлар яширилган хонақоҳ асрлар давомида ёпиқ ҳолатда бўлган.

2009 йил 5 июль. Англиянинг Стаффордшир шаҳрида истискомат қилувчи Терри Герберт уйдан унча олиш бўлмаган жойда хазинага дуч келди. У ўн тўрт йиллик металл излаш асбоби билан дала майдонида қазилма ишларини олиб бораётган эди.

**СТАФФОРДШИР
ХАЗИНАСИ**

VII асрга тегишли деб ҳисобланган ушбу хазина 5 кг олтин ва 2,5 кг қумушдан иборат бўлиб, олдинги топилмаларга нисбатан анча кўп эди. Хазинадаги кўплаб анжомлар ҳарбий соҳага тааллуқли, жумладан, қимматбаҳо тошлар билан нақш берилган қиличнинг дастаси ва ясси қисмидан иборат. Экспертлар хулосасига кўра, 1500 та буюмдан ташкил топган мазкур коллекция VII ёки VIII асрларни қамраб олиб, саксонларнинг Мерси қироллик хонадонига тегишли.

Хазина 3,285 миллион фунт стерлингга баҳоланди ва Бирмингем музейи, қулоччилик маҳсулотлари музейи, бадий ва расмлар галереяларидан жой олди.

2 МИНГ ЁШЛИ ТОПИЛМА

1970 йил. Олти кунлик урушдан сўнг Зибенберглар турмуш қиришиди ва Қуддусдаги эски шаҳар қисмининг яхудиийлар мавзесидан уй сотиб олишга қарор қилишди.

Янги уйга жойлашган Тео Зибенберг бу ўша археологик топилмалар устида барпо этилганини ҳис эта бошлади. Аммо археологлар Зибенбергнинг кўнгли сезишига ишончсизлик билан қарашди, натижада Теонинг ўзи мустақил равишда қазилма ишларини олиб бориш ва бу ишни молиялаштиришга қарор қилди.

Уйдаги қазиш ишлари оз эмас, кўп эмас, 18 йил давом этди. Бу вақт давомида қояга ишлов берил-

ган ҳолда барпо этилган қадимий яшаш хоналари, диний маросимга оид ванналар, осма қувурлар, шоҳ Сулаймон ва Византия замонидаги Биринчи, Иккинчи ибодатхона даврига тегишли улкан цистерна ҳамда даҳма қолдиқлари қовлаб топилди. Шунингдек, қулоччилик, шиша, қадама нақшлар, тангалар, кўза ва қуроллар бўй кўрсатди.

Айни кунда "Зибенберглар уйи" Қуддусдаги Эски шаҳар музейига айланган.

Интернет материаллари асосида Назрулло ҲАМРАЕВ тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?



“СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚНИ БИЗ ЧАЛГАНМИЗ”

Мақтабни ҳар йили кўплаб ўқувчи тамомлайди. Сўнги қўнғироқ садолари эса фақат бир киши қўлида жаранг сочади. Қўидаги қаҳрамонларимиз “Hamkorbank” АТБ ходимлари - ана шундай бахт насиб қилганлардан.

“21 ЙИЛ ЎТСА ҲАМ, КЎЗИМГА ЁШ КЕЛАДИ”



Суратда: Нодира Кушатовва (юқорида) чапдан бешинчи.

Нодира КУШАТОВА:

Чирчиқ филиали чакана бизнес бўлими истеъмол кредити менежери:

— Чирчиқ шаҳар 2-гимназия мактабининг 11-синфини 2001 йилда тугатганман. Аттестатимдаги ҳамма баҳоларим фақат “аъло” эди. Яхши ўқиганим ва намунали хулқим учун мактаб маъмурияти битирув кечасида охириги қўнғироқни чалишни менга топширди. Бу ўзгача ҳаяжон эди. Тенгдошларингиз орасида айнан бу бахтни сизга насиб этишининг ўзи катта бахт. Ўша куни қўнғироқни ушлаб давра айланаётганимда ҳаяжон, фахр, ўқинч каби туйғулар қоришиб кетган. Оқшомнинг энг диққат марказида турувчи маросим қаҳрамониман, аммо энди бу даргоҳ билан хайрлашаман. Қайтиб, қадрдон мактабимнинг ўқувчиси бўла олмайман. Синф хоналарда устозларнинг меҳрли юзига тикилиб, дарс тинглай олмайман. Хуллас, йиғлаганман, хафа бўлганман.

Орадан 21 йил ўтди. Ўша кунги воқеаларни эсласам, ҳануз кўзимга ёш келади. Аммо кейинги мустақил ҳаёт мени кучок очиб кутиб олди. Шу йилнинг ўзида Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг иқтисодиёт факультетида ўқишга кирдим. Бунинг учун математикадан сабоқ берган устозим Собир Абдурахмонов (Аллоҳ раҳматиға олсин) ва инглиз тили ўқитувчиси Мухтабар Салимовнадан чексиз миннатдорман. Уларнинг меҳнати туфайли шундай натижага эришдим. Мана, “Hamkorbank”да ишляпман. Ўзимнинг кўнглимдаги ишни топдим. Энг қизиги, ҳозир ҳам битирувчиман. Иккинчи мутахассислик бўйича Тошкент молия институтининг банк иши факультетини тамомляпман. Олдиндаги мақсад ва режаларим катта.

“БОЛАЛИК БИЛАН ХАЙРЛАШГИМ КЕЛМАГАН”

Ғофуржон АҲМЕДОВ,

Банк кенгаши корпоратив бошқарув аппарати раҳбари:

— 2001 йил Жалакудук туманидаги 1-сонли физика-математикага ихтисослаштирилган лицейни тамомладим. Ўшанда лицей маъмурияти битирувчиларнинг натижаларига қараб, сўнги қўнғироқни чалишни менга топширди. Биринчи синфга кирган кичкина қизчани кўтариб давра айландим. Қўнғироқ қизчанинг қўлида. Кучли ҳаяжондаман. Ҳамманинг нигоҳи менда. Бу фахр билан бирга, катта масъулият ҳам эканлигини сезиб турардим. Чунки кўйи синф ўқувчиларининг ёдида қолдим, энди ўқишга кирмасам бўлмасди, йўқса, улар сўнги қўнғироқни чалса ҳам ўқишга кира олмабди дейишлари мумкин эди. Ўшанда лицейимни, ўқитувчиларимнинг ишончини оқлашим, бошқа ўқувчилар учун намуна бўлишим зарур деб ўйладим.

Биласизми, у куни қўнғилдан ҳар хил туйғулар кечади. Болалик тугадими, энди синфдошларим билан футбол ўйнай олмайманми, дея ўқиндим ҳам.

Ўша йили омад қулиб боқди. Мактабим, устозларим олдида юзим ёруғ бўлиб, Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтига ўқишга кирдим. Бундан лицейдаги устозларим — Анвар Гайнуллин, Фоти



СИНФДОШИМ, СИНФДОШГИНАМ... Дўстликнинг энг беғубори болаликда бўлади.

(Ўзим тўққан матал)

Болалигим мозийдан қайтар, Қулоғимга эртақлар айтар, Варақларна хотира дафтар, Сен-ла сабоқ олган ўшал дам, Синфдошим, синфдошгинам.

Талпинмадим гоҳо бағрингга, Йиллар ўтиб етдим қадрингга, Лойиқ бўлсам ҳамки қаҳрингга, Кечирдинг-а, сен ювошгинам, Синфдошим, синфдошгинам.

Дунё кездим дўст-ёрон излаб, Бирин сенлаб, бирини сизлаб, Қолавердим, бари бир, бўзлаб, Ўхшамади биронтаси ҳам, Синфдошим, синфдошгинам.

Сўзларинг хуш, бирам мулоим, Роҳатландим кўришсак доим, Сендан айирмасин худойим, Қалбим ичра нур-қуёшгинам, Синфдошим, синфдошгинам!..

Ҳалимжон ТОҲИРОВ

да лицейдаги устозларим — Анвар Гайнуллин, Фоти ма Раҳимова ва Тамара Аҳматоваларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар берган сабоқ туфайли имтиҳонда юқори балл тўплаб, талаба деган номга муяссар бўлдим. Бунинг учун у инсонларга ҳамisha ташаккур айтаман.

Тақдирни қаранг, битирув кечасида сўзга чиқиб, “Албатта, банкир бўламан” деганман. Бу гапимга фаришталар омин деган экан.

Нигора ТЎХТАМАТОВА.

Ревматизм (бод) касаллиги тиббий текширувлардан сўнг яллиғланиш, бактерия, вирусга қарши дори воситалари билан даволанади. Чунки уларни келтириб чиқарувчи омиллар шулардан иборат. Аммо ҳадеб таблетка ва уколларга ёпишмасдан ушбу дардда қарши табиий йўллар билан ҳам курашсангиз бўлади.

РЕВМАТИЗМНИ ДОРИСИЗ ДАВОЛАШ МУМКИН!

СУВЛИ МУОЛАЖАЛАР

Ревматизмда гидротерапияга суяниш аввалдан мавжуд. Хасталикнинг ўткир ва сурункали турида шифобахш гиёҳлар — мойчечак, қорақиз, иттиканак ёки туздан (айниқса, денгиз тузи) илиқдан бироз иссиқроқ бўлган ванналар оғриқдан безиллаб турган оёқларга роҳат бағишлайди. Бу муолажани ҳар куни такрорлаш мумкин. Ревматизмнинг юқорироқ босқичларида балчик-терапия ҳам қўлланилади.

ПАРҲЕЗ

Бемор овқатланиш тартиби ва таркибини ўзгартириш орқали ҳам шифога умид боғлаш мумкин. Нафақат ревматизм, подагра ва артритда ҳам тўғри овқатланиш жуда муҳим. Айниқса, ортиқча вазнга эга беморлар бу ҳақида бош қотиришлари шарт. Чунки уларнинг томирларига босим туша-

ди. Арахидон кислотаси мушак ва тўқималарда яллиғланишни келтириб чиқаради. У эса колбаса ва сут маҳсулотларида кўп. Демак, бемор улардан ўзини тийиши керак. Балиқ ёғи таркибидagi Омега-3 эса организмдан арахидон кислотасини ҳайдаш хусусиятига эга. Шу боис ревматизмга чалинган одам кўп балиқ ейиши мақсадга мувофиқ. Витамин ва минералларга бой таомнома яхши ёрдам беради. А, С, Е витаминлари яллиғланишни қувишга қодир.

ОЧЛИК

Ҳа, очлик курсини ўташ орқали ревматизмга чап бериш мумкин. Чунки бу пайт, юқорида айтганимиздек, организм арахидон кислотаси қабулидан дам олади. Иккинчидан, ортиқча вазнлилар бироз озиб, мушакларга босимни камайтирадилар. Аммо очлик терапияси шунчаки емай-ичмай юриш эмас,



ТАБОБАТ ОЛАМИ

парҳезшунос маслаҳати билан қайси пайт қандай маҳсулот қабул қилиш ва қанча вақт давомида еб-ичмаслик белгилаб олиниши лозим.

Таомнома: ёғсиз гўшт, тухум, қарам, сабзи, лавлаги, қовоқ, помидор, шивит, кўк пиёз, цитрус мевалар, қуруқ мевалар, асал фойдали.

Ёғли қўй гўшти, дудланган маҳсулотлар, шўр овқатлар, дуккакли донлар, шолғом, ширинликлар, шоколад, музқаймоқ, кетчуп, майонез зарарли.

ТАБИАТДАН ТАБИБЛАР:

Прополис — шиш ва оғриқни қолдиради, тўқималарни фаоллаштириб, моддалар алмашинувини яхшилайди.

Зайтун ёғи — айнан бўғимлар учун керакли витамин ва микроэлементлар кони.

Садр қатрони — бўғимларда қон айланишини яхшилайди, яллиғланишни бартараф этади.

Эваллипт экстракти — томирлар қайишқоқлигини таъминлайди.

Асалари муми — яллиғланишни даволашдан ташқари ревматизм келтириб чиқарган оғриқни ҳам йўқотади.

Дурдона АЛИМОВА тайёрлади.



Хоразм вилояти Урганч туманидаги Қумравот маҳалласида яшовчи Бекпошша момо Ибрагимованинг хонадонига келувчиларнинг кети узилмайди. Сабаби 101 ёшни қарши олган онахон чин маънода меҳр булоғи. Давраларда фақат меҳр ва оқибат, одамийлик ва ҳалолликдан сўзлайди. Маслаҳатларини олганлар борки, дуолари билан йўлини топади, муаммолари ечилади.

101 ЁШЛИ МЕХР МАЛИКАСИ

Момо бир умр халқнинг хизматида бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари фронт ортида меҳнат қилиш баробарида жамоатчилик орасида эртанги кунга ишонч, тинчлик ва хотиржамлик борасида тарғибот ишларини олиб борди. Маҳалладошлари ҳам унга ўрганиб қолганди. Кимнинг оиласида бир муаммо юзага келса, онахон етиб борарди. Қўплашиб ечимини топардилар.

Бекпошша чевар номи билан бутун Урганчда танилди. Аёлларнинг қўйлақларидан тортиб кўрпа-тўшакларни тикишда мактаб яратди. Қанча шогирдлар етиштирди. Ҳозир ҳам ёшларга йўл кўрсатиб туради.

Ортга назар ташлаб, ҳаёт хотираларини ўртоқлашган онахон бирдан ўлан айта бошлади. Мазза қилиб тингладик. Билсак, шеърини шайдоси ҳам эканлар. Халқ оғзаки ижодини жондан севади. Шу ёшида ҳам лапарлар айтиб, давраларга файз киритади. Айниқса, маҳалланинг Наврўз тантаналари онахон билан бошқача ўтади.

Бекпошша момонинг оиласи ҳам ибрат оларли. Турмуш ўртоғи Абдусалом бобо (охиратлари обод бўлсин) билан бир ўғил ва бир қизни вояга етказдилар. Ҳозир уларнинг қаторига 9

набира, 20 чевара ва 7 нафар эваралар қўшилган.

— Бувим билан ҳамма вақт фахрланамиз, — дейди набираси Музаффар Маҳмудов. — Вақт топдим, суҳбатларига ошиқаман. Сўзлари дур, айтганлари бир мактаб. Яна ҳалолликни, одамийликни, меҳрни ўргатамиз. Санъатга ошнолик менга у кишидан ўтган. Оқшом вақтлар оила даврасида шеърхонлик қиламиз, рақсга тушамиз. Ўтган кунларини эслаб, бизга тўғри йўл кўрсатадилар. Кўп яшасинлар. Хонадонимиз бувим билан баракали.

Бекпошша момо доим



ардоқда. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бундан бутун маҳалла қувонди.

Меҳр-оқибат ва инсонийликдан сабоқ олиш-

ни истасангиз, Урганчнинг "меҳр маликаси" номини олган онахоннинг хонадонига боринг. Бу сиз учун энг ишончли мактаб.

Акбаржон НАЗАРОВ.

Goal наشري ўз талқинига кўра "Олтин тўп" учун номзод футболчиларнинг янгиланган рейтингини эълон қилди.

"ОЛТИН ТЎП" УЧУН ДАЪВОГАРЛАР

Қаторисига олти ҳафтадан буён рейтингнинг энг юқори поғонасини Карим Бензема ("Реал Мадрид") эгаллаб турибди. Кучли учликка "Ливерпуль" ҳужумчилари Садио Мане ва Муҳаммад Салох киришган. "Бавария"

футболчиси Роберт Левандовский тўртинчи поғонада турибди. Килиан Мбаппе ("ПСЖ") эса ҳозирча кучли бешликка яқин ясапти.

"Манчестер Сити" ярим ҳимоячиси Кевин

де Брюйне эса кўтарилишда давом этмоқда.



Бу сафар у Винисиусни орта қолдирган ҳолда 6-ўринга чиқиб олди.

Футбол

Шу пайтгача мунтазам кучли йигирмаликда бўлган Харри Кейн ("Тоттенхэм") ва Эрлинг Холанд ("Боруссия Дортмунд") бу сафар рейтингни тарк этишди. Уларнинг ўрни Родри ("Манчестер Сити") ва Рафаэль Леау ("Милан") эгаллашди.

А.КАБИРОВ.

Ўқинг, қизик

Дунёдаги ғайриоддий музейларнинг сони жуда кўп. Улар ичида энг ғалатиси Германияда жойлашган Ёлгон музейдир. У ерда Гитлернинг сунъий мўйлови, "Титаник"даги радио рубка, ўрта аср жодугар супуриси, учар гилам, Иосиф Сталиннинг швабраси ва бошқа сохта экспонатлар намойиш этилган.



АНТИҚА МУЗЕЙЛАР

Амстердамдаги Инсон танаси музейини ўзига хос кўргазмали музей деб атаса бўлади. Музей 35 метрлик инсон танаси шаклида яратилган бўлиб, ташриф буюрувчилар инсон "тана"си бўйлаб ҳаракат қилишади. Ўзини ажабланили даражада кичкина ҳис қилиб, тана аъзолари жойлашини ичкаридан томоша қилиш, дарҳақиқат, жуда қизиқ туолади.

Тўпловчи: М.МУҲАММАДҚУЛОВ

Билиб қўйган ахши

Мобил телефонларни заряд олаётганда ишлаши, ўйнаш энг кўп тарқалган ёмон одатлардан биридир. Негаки смартфонда қувватланиш бошланганида у тез зарядланиши сабаб қизийди. Шунингдек, ўйин ўйнаётганда ҳам телефон юқори даражада ишлайди ва бу унинг ҳароратини тез ошишига олиб келади.

ТЕЛЕФОНИНГИЗ ҚУВВАТ ОЛАЁТГАН БЎЛСА...

Шундай қилиб, смартфонни қувватланаётган вақтда ўйнаш унинг икки карра қизишига ва гарчи эҳтимоли жуда кичик бўлса-да, бу унинг ёниб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат, баъзилар телефон заряд олаётган пайтда кўнғирок қилиш ёки кўнғирокка жавоб бериш-

га ҳам одатланишган. Смартфон заряд олаётганда телефонга жавоб бериш ҳам қурилма ҳароратини оширади ва шунинг учун мобил қурилмани қувватлашга қўйилган олдин унинг "самолёт" режимини ёки қўйган ахши.



"самолёт"

Бундан ташқари, мобил қурилмалар заряд олаётганда уларнинг нурланиши бир неча баробарга кучаяди. Албатта, радиация тўқинлари инсон соғлиги учун зарарли ва бу заряд олаётганда телефонларимизни ёлғиз қолдиришимиз кераклиги учун яна сабабдир.

Хулоса шуки, биз ўзимизга қулай жойда уйку орқали қувват олаётганимизда бошқалар бизни безовта қилишини хоҳламаганимиздек, смартфонлар ҳам заряд олаётган вақтда ҳоли қолдирилиши керак.

Н.ҲАМРАЕВ.



МУАССИС:

"НАМКОР PRESS" МСНД

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail:
namkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Навр учун масъул:
Н. ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-549 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда
келишилган
нархда.